# XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 29 - dekabr VI-71-156-2-0-K/22 Buxoro viloyati hokimligi

**Ромитан тумани “Тошрабод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Сафаробод” аҳоли пункти номини “Қарахони” номига ўзгартириш тўғрисида**

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига асосан ҳамда Ромитан тумани “Тошрабод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Сафаробод” аҳоли пункти номини “Қарахони” аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисидаги Ромитан туман ҳокимлигининг 2022 йил 5 декабрдаги 1/530-сонли таклифини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. Ромитан тумани “Тошрабод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Сафаробод” аҳоли пункти номини “Қарахони” номига ўзгартириш тўғрисидаги туман ҳокимлигининг таклифи маъқуллансин.

2. Ромитан тумани ҳокимлиги (У.Барноев), статистика (У.Жуманазаров) Давлат Кадастрлар палатаси (А.Тойиров) вилоят бошқармаларига тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб, ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (О.Жўраев)га мазкур қарорни “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаш топширилсин.

4. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (Н.Баракаев) зиммасига юклансин.

**Кенгаш раиси** **Б. Зарипов**